

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВА НАЗОКАТ ДАВРОНБЕКОВНА

**«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО» ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА
БАДИИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

10.00.02–Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2023

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Бабаджанова Назокат Давронбековна

«Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг генезиси ва бадиий эволюцияси.....3

Бабаджанова Назокат Давронбековна

Генезис и художественная эволюция сюжета дастана «Юсуф и Зулайхо».....27

Babadjanova Nazokat Davronbekovna

Genesis and artistic evolution of the plot of the dastan «Yusuf and Zulaikho».....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВА НАЗОКАТ ДАВРОНБЕКОВНА

**«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО» ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА
БАДИИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

10.00.02–Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil1039 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fil-ik.urdu.uz) ҳамда «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматкул Жўраев,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Ғаниев Илхом Музаффарович,
Халқаро Яссавий мукофоти лауреати,
филология фанлари доктори,

Ғайипов Дилшод Қадамбоевич,
филология фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «24» «Январь» соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 14) Тел.: (+998 62) 2246680; Fax: (+998 62) 224 6700; e-mail: info@urdu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (066 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 14. Тел.: (+998 93) 9227734 e-mail: arm@urdu.uz

Диссертация автореферати 2023 йил «19» «Январь» куни тарқатилди.
(2023 йил «19» «Январь» даги 7 рақамли реестр баённомаси).



З.Дўсимов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси (филол.ф.д. DSc), профессор.

С.М. Сариев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси (филол.ф.д. DSc), доцент.

А.Д. Ўразбоев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси (филол.ф.д. DSc), доцент.
Илмий семинар раиси в.в.б.,
филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадиий тафаккурнинг тадрижий ривожини натижасида шаклланган анъанавий эпик сюжетларнинг тарихий асосларини ёритиш ҳамда уларнинг фольклор ва ёзма адабиётдаги талқинларидаги ўзига хосликни ойдинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада бадиий адабиётда муттасил тараққий этиб келган анъанавий сюжетларнинг турли-туман миллий версиялари дунё халқларининг ўзаро адабий алоқалари ҳамда эпик сюжетлар миграцияси натижасида шаклланганлиги аниқланди. Адабиётшуносликда «сайёр сюжетлар» назарияси номи билан аталадиган бу муҳим илмий концепциянинг янги талқинлари Марказий Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек адабиётидаги барқарор эпик сюжетларнинг юзага келишида қадимги Шарқ мифологияси, архаик эпос диффузияси ва диний манбалар орқали оммалашган сюжетлар, шунингдек, бошқа халқлар адабий анъаналари муҳим ўрин тутганлигини кўрсатди. Бевосита диний манбалардаги эпик сюжетларнинг бадиий қайта ишланиши натижасида юзага келган асарлардан бири «Юсуф ва Зулайхо» достони бўлиб, туркий халқлар адабиётида унинг кўплаб бадиий талқинлари яратилган. Жаҳон адабиётшунослигидаги эпик сюжетлар генезиси ва бадиий эволюциясига доир илмий-назарий қарашлар ана шу каби достонларнинг миллий поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрнини кўрсатишга хизмат қилади.

Ҳозирги замон адабиётшунослигида архаик эпосга мансуб сюжетларни ўзида акс эттирган янги манбалар, масалан, қадимги Миср мифологик эпосига оид ёзма ёдгорликларнинг таҳлилга тортилиши Шарқ халқлари фольклори ва ёзма адабиётидаги кўпгина анъанавий сюжетларнинг генезиси ҳақидаги илмий қарашларни янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Бу каби янги илмий манбалар таҳлили асосида чиқарилган хулосалар натижасида қадимги давр фольклорида шаклланган эпик сюжетларнинг тадрижий ривожини «мифологик эпос→ўрта аср оралик эпоси→классик эпос» босқичларидан иборат эканлиги далилланди. Эпик сюжетларнинг бадиий эволюциясига доир бу илмий қарашлар «Юсуф ва Зулайхо» достонининг яратилишига асос бўлган илк манбаларни аниқлаш, ушбу сюжетнинг диний манбалардаги талқинлари ҳамда бадиий адабиётга кўчиш жараёнини изчил тадқиқ этишга асос бўлади.

Миллий қадриятлар тизимини янада юксалтириш ва тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилаётган мамлакатимизда бадиий адабиётни кенг тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини юксак даражага кўтариш, номоддий маданий меросни, жумладан, бахшичилик санъатини ривожлантириш ва тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва

анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади»¹. Халқимиз бадиий тафаккурининг миллий ўзига хослигини кўрсатувчи адабий кадрлардан бири «Юсуф ва Зулайхо» достони ҳисобланади. Мазкур дoston сюжетининг қадимий асослари ва унинг бадиий талқинларини ўрганиш ўзбек адабиётидаги эпик сюжетларнинг тадрижий ривожини босқичларини аниқлаш имконини бериши билан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги ВМҚ-304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон, шу жумладан, туркий адабиётшуносликда «Юсуф ва Зулайхо» достонини ўрганишга доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар орасида Г. Тагирджанов, Н. Абдоллов, Б.М. Шерназаров, С.К. Азорабеков ва С.Б. Маҳкамов² каби олимларнинг ишлари алоҳида ажралиб туради.

¹Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston baxshichilik san’atini rivojlantirishga bag‘ishlangan Xalqaro festivalning ochilish marosimida so‘zlagan nutqi. – Termiz, 2019, 5-6 aprel.

² Тагирджанов А.Т. К вопросу о поэме Фердоуси «Юсуф и Зулейха» // Советское востоковедение. Т.5. – М.-Л., 1948. – С.68-77; Шу муаллиф. Влияние поэмы Фердоуси «Юсуф и Зулейха» на «Кисса-и Юсуф Али и «Юсуф и Зулейха» Шайхад Хамзы // Палестинский сборник. – М., 1970. – Вып. 21(84). – С.46-61; Абдоллов Н. Любовно-романтическая поэма в персидско-таджикской поэзии X-XII веков: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 2009. – С.35-36; Шерназаров Б.М. «Юсуф и Зулейха» Назима Хирати и ее сравнение с одноименной поэмой Абдурахмана Джами: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2003. – С.3-4; Азорабеков С.К. Сказание о Юсуфе и его отражение в персидско-таджикской прозе X-XI веков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. – 23 с.; Маҳкамов С.Б. Идейно-художественные особенности любовно-романтического поэм в персидско-таджикской литературе XV века: Дисс. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 2018. – С.129-148.

Юсуф қиссасининг туркий халқлар адабиётидаги бадиий талқинлари ҳақидаги дастлабки жиддий тадқиқотлардан бирининг муаллифи Н.Ш.Хисамов Қул Алининг «Қиссаи Юсуф» достонининг яратилиш тарихи ва манбаларини ўрганган.¹ Р.Х.Шаряфетдинов «Қиссаи Юсуф»нинг сюжет ва мотивлар таркиби, композицион қурилиши, диний манбалар сюжетининг халқ оғзаки ижодидаги бадиий ифодаси масалаларини ёритган². А.М.Ахунов ат-Табарийдаги Юсуф қиссасини Қул Али достони билан қиёслаб, эпик сюжет талқинидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаган³.

Юсуф ва Зулайхо қиссасининг тарихий асослари ва адабий манбалардаги талқинлари масаласи турк,⁴ козоқ,⁵ туркман⁶ ва озарбайжон⁷ адабиётшунослигида ҳам ўрганилган.

Ўзбек адабиётшунослигида Юсуф қиссаси сюжети асосида яратилган бадиий асарлар, хусусан, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони ҳақида Е.Э.Бертельс, С.Ҳайдаров, Х.Расулов, Э.Шодиев, Ф.Сулаймонова, Ж.Лапасов ва А.Қурбонов тадқиқотлари мавжуд⁸. Таниқли фольклоршунос С.Рўзимбоев хоразмлик халфалар репертуаридан жой олган «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси Хоразмдаги ўғуз тип эпик анъана доирасида шаклланган,

¹ Хисамов Н.Ш. Поэма «Кысса-и Йусуф» Кул Али (анализ источников сюжета и авторского творчества). – М.: «Наука», 1979. – 251 с.; Шу муаллиф. Сюжет Йусуфа и Зулейхи в средневековой тюрко-татарской поэзии XIII-XV вв. (проблема версий). – Казань: Идел-Пресс, 2001. – 215 с.; Шу муаллиф. Сюжет Йусуфа и Зулейхи в средневековой тюрко-татарской поэзии XIII -XV вв. (проблема версий): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1996. – 56 с.

² Шаряфетдинов Р.Х. Трансформация коранического сюжета об Иосифе Прекрасном в поэме Кул Гали «Кысса-и Йусуф»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009.

³ Ахунов А.М. Труды Табари как древнейший источник средневековой татарской литературы XIII-XIV вв.: трактовка персонажей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2000. – 24 с.; Шу муаллиф. Арабский источник средневековой тюрко-татарской литературы: на материале трудов ат-Табари (учебное пособие). – Казань: Изд-во ТГПИ, 2001. – 176 с.

⁴ Aktaş Hasan. Abdurrahman Gubârî Yûsuf u Züleyhâ. – Ankara: Atatürk Ün. Sos. Bil. Ens., 2006; Demir Recep. Hatâyî-i Tebrizî ve Mollâ Câmî'nin Yûsuf u Züleyhâ Mesnevîleri Üzerinde Karşılaştırmalı Bir inceleme. – Ankara: Yüzüncü Yıl Ün. Sos. Bil. Ens., 2006; Dogan Ramadan. Ahmedî-i Âmidî'nin Yûsuf u Züleyhâsı. – Ankara: Marmara Ün. Sos. Bil. Ens., 2005; Dolu Halide. Menşeinden Beri Yûsuf Hikâyesi ve Türk Edebiyatı'ndaki Versiyonları. – Istanbul, 1953; Burcu Karakaya. Garîb'in Yûsuf u Züleyhâ'si // Tübar. – Ankara, 2012. – XXXI. – Bahar/Burcu. – S.129-167; Akdag Soner. Klâsik türk edebiyatında adına mesnevîler yazılan kadın: «Züleyhâ»// Atatürk universiteti Türkiyat araştırmaları dergisi. – Ankara, 2009. – Sayı 40. – S.59-74.

⁵ Азибаева Б.У. Казахский дастанный эпос. – Алматы, 1998. – С.129; Бисенбаев П. «Жүсіп-Зылиха» дастанының нұсқалары: дәстүр және жаңашылдық. – Алматы: Қазақ университеті, 2013. – 113 б.

⁶ Соегов М. Иудейско-христианско-исламский сюжет об Иосифе и буддийская легенда о принце и голодной тигрице (по материалам их переводов, языка и искусства) // Jazyk a kultúra. – Киев. 2013. – №15. – С.48-55; Назаров А. Сюжет «Юсуф и Зулейха» в туркманской литературе // Нурмухаммед Андалиб и литературно-культурная жизнь Востока в XVII-XIII вв. – Дошгогуз, 2011. – С.307-308.

⁷ Ибрагимов С.М. Сули Фагих и его поэма «Юсуф и Зулейха»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1991. – 21 с.; Саттор Али кизи Дурмаз. Филологическо-текстологическое исследование месневи Чакери Синана «Юсиф и Зулейха»: Автореф. дисс. ... доктора философии по филологии (PhD). – Баку, 2013.

⁸ Бертельс Е. Э. Узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосифе Прекрасном // Альманах Дар. – Ташкент, 1944. – С.162-178; Ҳайдаров С. Ўзбек дунёвий адабиётининг ривожланишида Дурбекнинг роли: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 1962; Расулов Х. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонида фольклор анъаналари ва новаторлик // Адабий мерос. – Тошкент, 1974. – № 9. – Б.15-22; Шодиев Э. «Юсуф ва Зулайхони ким ёзган? // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1990. – № 7. – Б.152; Сулаймонова Ф. «Юсуф ва Зулайхо» достонининг Алишер Навоийга нисбат берилган Париж кўлёмаси ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1973. – № 3. – Б.152-157; Лапасов Ж. Морфология языка поэмы «Йусуф-у Зулайха» Дурбека: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – С.14-15; Қурбонов А. «Юсуф ва Зулайхо» достонининг ижодий талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б.47-50.

деган илмий қарашни илгари сурган¹. Ўзбек мумтоз адабиётидаги Юсуф алайҳиссалом билан боғлиқ эпик сюжетнинг ижодий талқинларини ўрганган Ҳ.О.Сафарова Шарқ халқлари адабиётидаги «Юсуфнома»ларни анъанавий мавзудаги дostonлар ҳамда қисса сюжети асосида насрий асарлар каби типларга ажратган². Г.Қ.Равшанова туркий «Юсуф ва Зулайхо»ларнинг матний-қиёсий тадқиқига бағишланган магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган³.

Юқоридаги қисқача таҳлилдан маълум бўладики, «Юсуф ва Зулайхо» дostonи сюжетининг генезиси, унинг шаклланишига асос бўлган илк манбалар, мазкур сюжетнинг диний манбалардаги талқинлари ва уларнинг ёзма адабиётга таъсири, эпик сюжетнинг халқ ижоди ва ёзма адабиётдаги бадиий эволюцияси каби масалалар махсус ўрганилган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот мавзуси Урганч давлат университетида олиб борилаётган «Ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Юсуф ва Зулайхо» дostonи сюжетининг манбалари ва асосий мотивлар тизимининг генезисини ёритиш ҳамда мазкур эпик сюжетнинг ёзма адабиётдаги поэтик талқинларини қиёсий таҳлилга тортиш орқали унинг бадиий эволюциясини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- «Юсуф ва Зулайхо» дostonининг жаҳон, шу жумладан, туркий ва ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиш тарихини ёритиш;
- Юсуф ва Зулайхо ҳақида қадимги эпик сюжетнинг манбалари ва Шарқ халқлари архаик фольклоридаги илдизларини аниқлаш;
- дoston сюжетининг шаклланишига асос бўлган бирламчи манбалар қадимги Миср мифологик эпоси билан алоқадорлигини асослаш;
- дostonнинг татар, қозоқ, туркман ва ўзбек адабиётидаги версияларининг ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш;
- Юсуф қиссасининг ўзбек фольклори ва ёзма адабиётдаги бадиий талқинлари асосида эпик сюжет эволюциясини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Қул Алининг «Қиссаи Юсуф», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо», Нурмуҳаммад Андалибнинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonлари, «Юсуф ва Зулайхо» дostonининг оғзаки варианты, «Туркий Юсуф-Зулайхо» қиссаси, Ҳ.Саъдулланинг «Юсуф ва Зулайхо», Р.Бобожоннинг «Юсуф ва Зулайхо ёки оға-инилар адовати»,

¹ Рўзимбоев С. Ёзма ва оғзаки адабиётда «Юсуф ва Зулайхо» сюжети // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 5-китоб. – Тошкент, 2015. – Б.12-18.

² Сафарова Ҳ. Рабғузийнинг «Қиссаи Юсуф Сиддик алайҳис-салом» асари манбалари: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Самарқанд, 2001.

³ Равшанова Г.Қ. Туркий «Юсуф ва Зулайхо»ларнинг матний-қиёсий тадқиқи: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Қарши, 2013. – 82 б.

Э.Қулматовнинг «Юсуф ва Зулайхо», И.Султоннинг «Юсуф ва Зулайхо» ҳикояси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг генезиси, фольклор ва ёзма адабиётдаги бадиий эволюцияси, достоннинг асосий мотивлари ва образлари тизимининг типологик таҳлили танлаб олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал ҳамда бадиий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– милоддан аввалги XIII асрга мансуб қадимги Миср ёзма ёдгорлигида қайд этилган «Икки ака-ука ҳақида қисса» номли мифнинг эпик трансформацияси натижасида «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг архаик шакли юзага келганлиги исботланган;

– достон сюжетининг генезиси ва тарихий-тадрижий ривож «мифологик фабулат»→«маърифий ривоят»→«бадиий контекст» босқичларидан иборатлиги далилланган;

– Юсуф қиссасининг туркий адабий анъанадаги бадиий эволюцияси натижасида мазкур сюжетнинг қипчоқ (татар, қозоқ), ўғуз (туркман, турк) ва қарлуқ-чигил (ўзбек, уйғур) версиялари шаклланганлиги аниқланган;

– адабий жараён ривож давомида мазкур эпик сюжетнинг Қул Али, Дурбек ва Андалиб ижодидаги бадиий талқинлари оғзаки эпик анъанага кўчиши қиссахон-халфалар репертуаридаги «Юсуф ва Зулайхо» қиссасининг шаклланишига асос бўлганлиги кўрсатиб берилган;

– ўзбек адабиётида Юсуф мавзусининг бадиий қайта ишланишида анъанавий сюжетнинг стилизацияси ҳамда унинг асосий персонажларини поэтик тимсол сифатида талқин қилиш ҳолати мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

– «Юсуф ва Зулайхо» достонининг жаҳон, шу жумладан, туркий ва ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиш тарихига доир материаллар системалаштирилган;

– достон сюжетининг тарихий асосларини аниқлаш ва унинг шаклланишига асос бўлган илк манбаларни таҳлил қилиш натижасида ушбу сюжетнинг архаик шакли милоддан бурунги XIV-XIII асрларда яшаган мисрликлар фольклорида қайд этилган «Икки ака-ука ҳақида қисса» номли миф тарзида юзага келганлиги кўрсатиб берилган;

– «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг туркий халқлар адабиётига таъсири натижасида юзага келган татар ва қозоқ қиссалари ҳамда туркман достонини қиёсий таҳлил қилиш асосида мазкур сюжетнинг бадиий эволюцияси босқичлари ойдинлаштирилган;

– Юсуф қиссасининг ёзма адабиётда қайта ишланиш жараёнида туркий халқлар мифологияси, аждодлар ҳомийлиги ва ўлиб-тирилувчи табиат култи ҳақидаги мифик тасаввурлар, эпос сюжетида хос ғайритабиий туғилиш, синов, қудуққа ташланиш ёки «ўзга олам»га сафар каби мотивлари бадиий матнга сингдириб юборилганлиги далилланган;

– мазкур эпик сюжетнинг Ҳ.Саъдулла, Р.Бобожон, Э.Қулматов ва И.Султон ижодидаги талқинлари жаҳон адабиётида муштарак сюжетлар асосида яратилган бадиий асарларни «тарихий-генетик туркумлик» доирасида умумлаштириш мумкинлигини кўрсатиб берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал ҳамда бадиий таҳлил усуллари билан асослангани, «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг манбалари ва тарихий-тадрижий ривож масаласининг туркий ва ўзбек адабиётшунослигига оид ишончли манбалар асосида ёритилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг материаллари ва илмий-назарий умумлашмалари Марказий Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек адабиётидаги «сайёр сюжетлар» асосида яратилган бадиий асарларнинг юзага келиш тамойиллари, бундай эпик сюжетларнинг тарихий-генетик асослари ва бадиий эволюцияси масалаларини кенг кўламда тадқиқ этишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан ўзбек халқ ижоди, мумтоз адабиёти ва замонавий ёзма адабиётдаги муштарак сюжетли асарлар туркумини аниқлаш ва уларнинг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини ойдинлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқотда таҳлилга тортилган фактик материаллар, манбалар ва олинган асосий илмий-амалий натижалардан олий ўқув юртларида «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Ўзбек фольклори», «Ўзбек адабиёти тарихи» фанлари бўйича олиб бориладиган дарс машғулотларида, шунингдек, дostonлар генезиси ва поэтикаси бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда, ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнлари тайёрлашда, магистрлик диссертациялари, битирув-малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг илк манбалари, тарихий асослари, туркий ва ўзбек адабиётидаги ўзига хос бадиий талқинларини қиёсий тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда жорийланди:

– диссертантнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетининг қадимги Миср мифологияси билан боғлиқлиги, унинг туркий халқлар адабиётидаги дoston, ривоят ва эртак сифатидаги бадиий талқинларининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий-назарий хулосаларидан ЎЗРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2–рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 3 декабрдаги 17.01/176-сонли маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ халқ дostonлари сюжет тизимининг шаклланиш тарихи ва тадрижий ривож босқичларини аниқлашга эришилган;

– тадқиқотчининг «Юсуф ва Зулайхо» достонининг туркий халқлар адабиётшунослигидаги илмий талқинларига доир материаллари ва илмий-назарий хулосаларидан ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005–рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 3 декабрдаги 17.01/176-сонли маълумотномаси). Натижада туркий адабиётшуносликда дoston жанрининг ўрганилиши тарихига доир янги илмий қарашлар ва материаллар тадқиқотга жалб этилган;

– тадқиқотчининг «Юсуф ва Зулайхо» достонининг халқ вариантлари Хоразм вилоятида яшаб ижод қилган Ожиза халфа, Саодат халфа, Ниёзжон халфа, Махфира халфа Собирова каби ижрочилар репертуаридан топилган вариантларидан фонд тизимидаги музей ва зиёратгоҳларда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фондининг 2022 йил 20 июлдаги № 01-27-сонли маълумотномаси). Натижада Фонд ўз ҳамкорлари билан бирга ўтказётган дoston ижрочилигига оид фестиваль ва танловларда ёш ижрочиларга бу дostonни ижро этиш тавсия этилмоқда ва «Авесто» музейига ташриф буюрувчиларга тақдим этишга эришилган.

– тадқиқотчининг қиссахон-халфалар эпик репертуаридаги «Юсуф ва Зулайхо» достонининг ёш авлод маънавий камолотида тутган ўрнига доир илмий қарашларидан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг «Мунаввар кун», «Ассалом Хоразм» кўрсатувлари ҳамда «Китобхон», «Қадрият» радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 21 июлдаги 1006-сонли маълумотномаси). Натижада дoston сюжетининг шаклланишига асос бўлган бирламчи манбалар мифологик эпос билан алоқадорлиги; Юсуф қиссасининг татар, қозоқ, туркман ва ўзбек адабиётидаги версияларининг ўзаро муштарак, фарқли жиҳатлари ва бадиий адабиётнинг ҳар томонлама етук, баркамол шахсни вояга етказишдаги ўрни ҳақидаги илмий қарашларни кенг кўламда тарғиб этишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 9 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юсуф ва Зулайхо**» **достони сюжетининг манбалари ва генезиси**» деб номланган дастлабки бобининг илк фасли «**Юсуф ва Зулайхо**» **достонининг ўрганилиш тарихи**» дея номланади.

Маълумки, Юсуф қиссасининг шарқ халқлари, хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Волгабўйи халқлари фольклори ва ёзма адабиётида трансформацияланишида эпик сюжет эволюциясининг бошланғич нуқтаси араб адабиёти ҳисобланади. «Қуръони карим» ва унинг тафсиллари таъсирида Юсуф ҳақидаги ҳикоятлар ва қиссалар шаклланган. Шарқ халқлари орасида ғоят кенг тарқалган ва жуда машхур бўлган Юсуф қиссаси туркий халқлар мумтоз адабиётида ҳам ўзининг бетакрор ва ранг-баранг бадиий талқинига эга бўлиб, бу эпик сюжетга мурожаат қилиш анъанаси XIII асрдан бошланган. Таниқли адабиётшунос олим Х.Г.Короглининг маълумотида кўра, туркий халқлар мумтоз адабиётида Юсуф мавзусига бағишлаб ёзилган бадиий асарларнинг сони қирқтадан ошади¹.

Туркий халқлар адабиётида биринчилардан бўлиб, татар мумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан бири Қул Али Юсуф ва Зулайхо сюжетини бадиий қайта ишлаш асносида «Қиссаи Юсуф» номли дoston яратган. Н.Ш.Хисамов Қул Алининг «Қиссаи Юсуф» достонининг яратилиш тарихи, манбалари ва бу ижодий жараёнда адабий таъсирнинг тутган ўрнини чуқур ўрганиш асосида мазкур қиссанинг яратилишига XI асрда Ҳиротда яшаб ижод қилган Абдуллоҳ Ансорийнинг «Анис ал-муридин ва шамс ал-мажолис», яъни «Муридлар ҳабиби ва суҳбатлар офтоби» номли насрий асари асос бўлганлигини аниқлаган². «Қуръони карим» асосида юзага келган адабий сюжетларни «трансдиний сюжетлар» деб номлаган Р.Х.Шаряфетдинов «Қиссаи Юсуф»нинг сюжет ва мотивлар таркиби, композицион қурилиши ва диний манбалар сюжетининг халқ оғзаки ижодидаги бадиий талқинини ўрганган³. А.М.Ахунов Юсуф

¹ Короглы Х.Г. Сюжет «Юсуф и Зулейха» в тюркоязычной литературе // Советская тюркология. – Баку, 1985. – №6. – С.96-97.

² Хисамов Н.Ш. Поэма «Кысса-и Йусуф» Кул'Али (анализ источников сюжета и авторского творчества). – М.: «Наука», 1979. – 251 с.; Шу муаллиф. Сюжет Йусуфа и Зулейхи в средневековой тюрко-татарской поэзии XIII-XV вв. (проблема версий). – Казань: Идел-Пресс, 2001. – 215 с.; Шу муаллиф. Сюжет Йусуфа и Зулейхи в средневековой тюрко-татарской поэзии XIII -XV вв. (проблема версий): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1996. – 56 с.

³ Шаряфетдинов Р.Х. Трансформация коранического сюжета об Иосифе Прекрасном в поэме Кул Гали «Кысса-и Йусуф»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009.

алайхиссалом қиссасининг Абу Жаъфар Ибн Жарир ат-Табарийнинг тарихий асарлари ҳамда Қул Алининг «Қиссаи Юсуф» достонидаги баёнини қиёсий ўрганиш орқали асосий қахрамонлар образининг ҳар икки муаллиф талқинидаги ўхшашликлар ва фарқли жихатларини аниқлаган¹. Н.А.Хуббиддинова мазкур асар сюжет тузилиши ва асосий мотивлар таркибини сақлагани ҳолда, ижрочилар анъанавий мавзуни ижодий қайта ишлаш йўлидан борганликларини қайд этади².

Турк адабиётшунослигида Юсуф ва Зулайхо қиссасининг тарихий келиб чиқиши ва адабий манбалардаги талқинлари Абдурахмон Ғуборийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонини нашр эттирган Ҳасан Ақташ, Хатойи Табрзий ҳамда мулла Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» асарларини қиёсий тадқиқ этган Демир Ражаб, Аҳмади Амидийнинг «Юсуф ва Зулайхо» манзумасини ўрганган Дўған Рамадан, Ғарибнинг «Юсуф ва Зулайхо» маснавийси бадий тилини ўрганган Буржи Қарақоя томонидан тадқиқ этилган³. Турк мумтоз адабиётидаги Юсуф қиссаси асосида юзага келган бадий асарлар Ҳолида Дўлу тарафидан яхлит тизим сифатида таҳлилга тортилган⁴. С.Ақдағ Зулайхо образининг шаклланишини қадимги Миср афсоналаридан излаш лозим, деган фаразни илгари сурган⁵.

Қозоқ адабиётида Жусипбек Шайхулисламовнинг «Қисса хазирет Жүсіп аләйһиссалом илән Зылиханың мәселесі» асари катта шухрат қозонган. Асар қозоқ қиссахонлари орасида «Аммо Юсуф пайғамбар ғалайхиссалом қиссасы» номли халқ китоби ҳам тарқалган бўлиб, уни Қулмухамбет Байғули ули деган котиб кўчирган⁶. Қиёсий-текстологик таҳлил натижасида бадий жихатдан мукамал деб топилганлиги сабабли «Қисса хазирет Жүсіп аләйһиссалом илән Зылиханың мәселесі» қиссаси ошиқ туркумига мансуб қозоқ халқ достонларининг 1976 йилда чоп этилган мажмуасига⁷, шунингдек, «Боболар сўзи» 100 томлигининг 18-жилдига киритилган⁸.

Туркман фольклорида бу сюжетга мурожаат қилган шоир Нурмухаммад Андалиб халқ достонларига хос бўлган насрий ва шеърий қисмларнинг аралаш қўлланилиши усулидан фойдаланган. Шу боис

¹ Ахунов А.М. Арабский источник средневековой тюрко-татарской литературы: на материале трудов ат-Табари (учебное пособие). – Казань: Изд-во ТГГИ, 2001. – 176 с.

² Хуббиддинова Н.А. Фольклорная версия литературного произведения как один из способов коммуникативной деятельности (на примере средневековой общетюркской литературы) // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2013. – №2 (293). Филология. Искусствоведение. Вып.74. – С.155-157.

³ Aktaş Hasan. Abdurrahman Gubârî Yûsuf u Züleyhâ. – Ankara: Atatürk Ün. Sos. Bil. Ens., 2006; Demir Recep. Hatâyî-i Tebrizî ve Mollâ Câmî'nin Yûsuf u Züleyhâ Mesnevîleri Üzerinde Karşılaştırmalı Bir inceleme. – Ankara: Yüzüncü Yıl Ün. Sos. Bil. Ens., 2006; Dogan Ramadan. Ahmedî-i Âmidî'nin Yûsuf u Züleyhâsı. – Ankara: Marmara Ün. Sos. Bil. Ens., 2005; Burcu Karakaya. Garîb'in Yûsuf u Züleyhâ'si // Tübar. – Ankara, 2012. – XXXI. – Bahar/Burcu. – S.129-167.

⁴ Dolu Halide. Menşeyinden Beri Yûsuf Hikâyesi ve Türk Edebiyatı'ndaki Versiyonları. – Istanbul, 1953.

⁵ Akdag Soner. Klâsik türk edebiyatında adina mesnevîler yazılan kadın: «Züleyhâ»// Atatürk universiteti Turkiyat araştırmaları dergisi. – Ankara, 2009. – Sayı 40. – S.59-74.

⁶ Азибаева Б. «Қисса-и хазирет Жүсіп алайһиссалом мен Зылиханың мәсаласи» // Бабалар сөзі: жүз томдық. Т.18: Ғашықтық дастандар. – Астана: «Фолиант», 2005. – С.319-320.

⁷ Шайхулисламұлы Ж. Жүсіп–Зылиха Ғашықнаме Алматы: Жазушы, 1976.

⁸ Бабалар сөзі: жүз томдық. Т.18: Ғашықтық дастандар. – Астана: «Фолиант», 2005. – С.6-50.

Андалибнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонининг бадий тили жонли сўзлашув тилига жуда яқинлиги билан шу номдаги бошқа асарлардан фарқланиб туради¹. Туркман адабиётшуноси М.Соегов Махтумқули Фироғий шеъриятидаги Юсуф образининг бадий ифодаси ҳамда Нурмухаммад Андалибнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони сюжетини исломий ва насронийлик дини манбаларига, шунингдек, буддавийлик эътиқодини акс эттирган туркий ёзма ёдгорлик – «Олтун ёруқ»даги «Шаҳзода ва йўлбарс ҳақидаги афсона»га солиштириш асосида бу сюжетнинг тарихий илдизлари яҳудий-насроний-исломий манбаларга бориб тақалишини далиллаган². Хитойлик адабиётшунос Айбибула Минаварнинг маълумот беришича, Юсуф қиссаси сюжети Туркменистондан ташқарида яшовчи туркман этносига мансуб аҳоли фольклорида ҳам мавжуд бўлиб, масалан, Хитой халқ республикасининг Шинжон вилоятида истиқомат қиладиган туркман-салирлар оғзаки ижодида ушбу сюжет «Подшо бўлган гўзал йигит» номи билан маълумдир³. Г.Гузичиеванинг қайд этишича, Андалибнинг мазкур достони яратилишида «Қуръон»даги «Юсуф» сураси билан бир қаторда Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асари ҳам муҳим роль ўйнаган⁴.

Бундан ташқари, диссертацияда «Юсуф ва Зулайхо» достонининг тожик, курд ва озарбайжон адабиётшунослигида ўрганилишига доир манбалар ҳам таҳлилга тортилган.

Юсуф қиссаси сюжети асосида ўзбек адабиётида яратилган асарлар даставвал Е.Э.Бертельс ва Б.Валихўжаев томонидан ўрганилган⁵. С.Ҳайдаров ўзбек адабиётшунослигида Дурбек ижодини ўрганишга доир илмий ва адабий манбаларни тавсифлаб, шоир ижодига Атоуллоҳ Ансорий анъанасининг таъсири, Юсуф мавзусининг адабиётга кириб келишини диний манбалар билан боғласа-да, тарихий-генетик асосларига кўра ушбу қиссанинг дастлабки сюжет ўзаклари фаластин ривоятларига бориб тақалишини тўғри асослаган⁶. Э.Р.Рустамов Дурбек ижодига адабий анъананинг таъсири масаласига тўхталиб, «Юсуф ва Зулайхо» достонининг яратилишига туртки бўлган асосий манба Абдуллоҳ Ансорийнинг «Анисул муридин ва шамсул мажолис» асаридир, деб хулоса чиқарган Ж.Лапасов ушбу асарнинг бадий тили XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабий тилига

¹ Шасенем и Гарып, Касым-оглан и другие туркменские народные повести. Пер. с туркм. Х.Г.Короглы, И.В.Стеблевой. Введ. и примеч. Х.Г.Короглы. Пер. стихов Н.Х.Романовой. – М.: Наука, 1991. – 363 с.

² Соегов М. Иудейско-христианско-исламский сюжет об Иосифе и буддийская легенда о принце и голодной тигрице (по материалам их переводов, языка и искусства) // *Jazyk a kultura*. – Киев, 2013. – №15. – С.48-55.

³ Айбибула Минавар. Дастан Андалиба «Юсуф-Зулейха» и образ Юсуфа в творчестве китайских салыров // *Нурмухаммед Андалиб и литературно-культурная жизнь Востока в XVII-XIII вв.* – Дошогуз, 2011. – С.346-348.

⁴ Гузычыева Г. О связи дастана Андалиба «Юсуп и Зулейха с произведением Рабгузы «Кисасы Рабгузы» // *Нурмухаммед Андалиб и литературно-культурная жизнь Востока в XVII-XIII вв.* – Дошогуз, 2011. – С.342.

⁵ Бертельс Е.Э. Узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосифе Прекрасном // *Альманах Дар*. – Ташкент, 1944; Валихўжаев Б. *Ўзбек эпик поэзияси тарихидан*. – Тошкент, 1974. – Б.51.

⁶ Ҳайдаров С. Дурбек ижодини ўрганиш тарихидан // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – Тошкент, 1961. – № 5. – Б.50-53; Шу муаллиф. *Ўзбек дунёвий адабиётининг ривожланишида Дурбекнинг роли: Филол. фанлари номз. ... дисс.* – Тошкент. 1962

хос хусусиятларни ўзида ифодалаганлигини аниқлаган¹. С.Рўзимбоев хоразмлик халфалар репертуаридан жой олган «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси Хоразмдаги ўғуз тип эпик анъана доирасида шаклланган, деган илмий қарашни илгари сурган².

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Достон сюжетининг тарихий асослари**» масаласига бағишланган.

Жаҳон адабиётшунослигида Юсуф қиссасининг тарихий илдизлари ва бу образнинг шаклланишига асос бўлган қадимий манбалар ҳақида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, О.М.Фрейденбергнинг ёзишича, гулюзли Иосиф ҳақидаги «Инжил» қиссасининг келиб чиқиши Осирис ва Адонис ҳақидаги қадимий Миср мифларига бориб тақалади³. С.К.Азорабековнинг тахминича, «Инжил» ва «Қуръони карим»даги Юсуф қиссаси образининг келиб чиқиши милоддан бурунги XVII-XVI асрларда яшаган Миср донишманди Имхотеп (бу шахс отининг қадимий шакли Имутес – дисс.) тўғрисидаги ривоятларга боғланади.⁴ Ҳ.О.Сафарованинг фикрича, Юсуф ва Зулайхо ишқий саргузашти ҳақидаги сюжет дастлаб араб ва яҳудий оғзаки ижодида пайдо бўлган⁵.

Бинобарин, қисса композицион қурилишидаги тугуннинг бевосита ака-укалар муносабати билан алоқадорлиги эса ушбу сюжетнинг келиб чиқиш манбаини қадимги Миср фольклорига боғлаш имконини беради.

XIX асрнинг ўрталарида француз археологи Д'Орбини томонидан милоддан бурунги XIII асрда Эннана исмли битикчи тарафидан ўн иккита папирусга ёзилган иероглифли ёзув топилган. Мутахассислар бу папирус милоддан аввалги 1200 йилдан 1194 йилгача ҳукмронлик қилган Сети II, яъни Мисрнинг янги ҳукмдорлари XIX сулоласига мансуб ҳокон даврида ёзилганлигини аниқлашган. Унда олимлар тарафидан шартли равишда «Икки ака-ука ҳақида қисса» деб номланган миф баён этилган. Мазкур миф сюжетидаги Ануписнинг хотини Батага ошиқ бўлиб қолиши ва севгиси рад этилгач, йигитга тухмат қилиши, Ануписнинг ўз укасини ўлдирмоқчи бўлиши, Ра томонидан ака-ука ўртасида дарё пайдо қилиши, Батанинг акасида олисдаги диёрга кетиб қойиб бўлиши, фиръавннинг душманлиги каби мотивлар Юсуф қиссаси композицион қурилишидаги Яъқуб пайғамбар ўғилларининг Юсуфни ўлдирмоқчи бўлишлари, Юсуфнинг қудуққа (сув детали орқали дарё тушунчасига алоқадор) ташланиши, Юсуфнинг Мисрга қул қилиб сотилиши (акаларидан узоклашиши), Зулайхонинг ўз қули (қадимги Миср асотирида эрининг укаси, аслида хизматкор-қул) Юсуфга ошиқ бўлиши, аёлнинг Юсуфга тухмат қилиши каби мотивларга ўхшаб

¹ Лапасов Ж. Морфология языка поэмы «Йусуф-у Зулайха» Дурбека: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 20 с.

² Рўзимбоев С. Ёзма ва оғзаки адабиётда «Юсуф ва Зулайхо» сюжети // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 5-китоб. – Тошкент, 2015. – Б.12-18.

³ Фрейденберг О.М. Миф об Иосифе Прекрасном // Язык и литература. – Т.8. – М., 1932. – Б.138.

⁴ Азорабеков С.К. Об истории возникновения повести о Юсуфе // Вестник таджикского национального университета. Серия филология. – №2. – Душанбе: Сино, 2004. – С.76-84.

⁵ Сафарова Ҳ. Рабғузийнинг «Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом» асари манбалари: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Самарканд, 2001. – Б.17.

кетади. Бу эса диний манбалар орқали ёзма адабиётга трансформацияланиб кетиши натижасида бетакрор бадиий қадриятларнинг яратилишига асос бўлган Юсуф қиссаси сюжетининг тарихий илдизлари милоддан бурунги XIII-XII асрларга мансуб қадимги Миср мифологиясига бориб тақалишини кўрсатади.

«Юсуф ва Зулайхо» сюжетининг энг қадимги шакли деб қаралаётган «Икки ака-ука ҳақида қисса» асотирининг мазмуни «сайёр сюжет»га айланиб, турли вариантлар ҳолида бирмунча ривожланган ҳолда, муқаддас диний китобларга кўчган. Жумладан, дастлаб қадимги Аҳд ҳисобланувчи Таврот ва Забурга, кейин Янги Аҳд саналувчи Инжилга ўтган. Кейинчалик сюжет янада мукаммаллашган ҳолда муқаддас диний китобимиз «Қуръони карим»га ўтган. Юсуф қиссаси «Қуръон»нинг 12-сураси, яъни «Юсуф» сурасида келтирилган¹.

«Юсуф алайҳиссалом ҳақида яратилган бадиий асарлар таркибидаги сюжет жаҳон адабиётидаги трансдиний мифларнинг энг ноёб намуналаридан бири ҳисобланади. Шунинг учун мазкур сюжетнинг жаҳон адабиёти контекстида у ёки бу асар кўринишидаги ифодасини муайян диний тизим доирасида эмас, балки қадимги маданий архетипнинг бадиий интерпретацияси сифатида талқин қилиш лозим»².

Юсуф қиссаси сюжетининг араб, форс-тожик ва туркий халқлар фольклори ҳамда ёзма адабиётида кенг тарқалишида, асосан, «Қуръони карим»нинг 12-сурасидаги оятлар, унинг тафсирилари ҳамда пайғамбарлар қиссаларининг турли-туман талқинлари, жумладан, Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асари асосий манба вазифасини ўтаган.

Диссертациянинг «**Юсуф ва Зулайхо**» **достони туркий версияларининг қиёсий таҳлили**» номли иккинчи бобининг илк фасли «**Достон туркий версияларининг ўзига хос хусусиятлари**»га бағишланган бўлиб, унда достоннинг татар, ўзбек, туркман ва қозоқ адабиётидаги бадиий талқинлари қиёсий таҳлил қилинган.

«Қуръони карим»да келтирилган Юсуф алайҳиссалом қиссаси таъсирида XIII-XIV асрлардан эътиборан бу сюжетнинг туркий тилларга хос достон сифатидаги бадиий талқинлари юзага келган. Қул Али бу қадимий эпик сюжет асосида XI асрда яшаган Ансорий томонидан яратилган асарга таянгани ҳолда, уни туркий халқлар фольклори материаллари асосида янада бойитиб, бадиий жиҳатдан қайта ишлаб, «Қиссаи Юсуф» достонини яратди. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони Юсуф тўғрисидаги анъанавий эпик сюжет таркибидаги асосий мотивларни ўз ичига қамраб олганлиги билан характерланади. Воқеаларни баён қилишда анъанавий туш кўриш мотивининг бадиий ифодаси достон сюжетининг ўзбек ва татар адабиётидаги талқинларида ўзаро муштараклик касб этса, асарнинг қозоқ қиссахонлари репертуарида қайд қилинган намунасида ўзига хос кўринишга

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. – Б.235-248.

² Шаряфетдинов Р.Х. Трансформация коранического сюжета об Иосифе Прекрасном в поэме Кул Гали «Кысса-и Йусуф»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009.

эга. «Қисса хазірет Жүсіп аләйһиссалом илән Зылиханың мәселесі» номли козоқ қиссасида асарнинг яратилиш сабаблари, пайғамбарлар ҳамдига бағишланган анча катта қисмдан кейин «Қуръони карим»нинг 12-сурасидаги Юсуф алайҳиссалом тилидан баён қилинган 4-оятнинг арабча матни келтирилгач, унинг тафсири шеърій йўсинда ифодаланишига кўра, козоқ достони бошқа туркий халқлардаги шу мавзуга доир асарлардан фарқланиб туради. Назаримизда, анъанавий мотив таркибининг оят+шеърій банд тарзидаги тузилиш касб этиши Ж.Шайхулисламов қиссасининг юзага келишида қиссахонлар орасида кенг шуҳрат қозонган Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади.

Туркман шоири Андалиб достонидаги илк «рамзий-башорат туш» талқинидаги бир ўзига хослик унинг икки қисмдан иборатлиги, яъни асарнинг насрий баён қисмида Юсуфнинг келгусидаги тақдири ҳақидаги ғаройиб хабар «заррин тахт», «азим шаҳар», «одамларнинг қуллуқ қилиши», «ой ва юлдузнинг сажда қилиши» каби символик деталлар билан ифодаланган бўлса, ота-ўғилнинг туш йўрими асносидаги айтишувида бу деталларнинг моҳияти ойдинлаштирилади.

Достоннинг козоқ қиссахонлари репертуаридаги намунасида ҳам Аллоҳнинг амри билан қудуқ ичида олтин тахт пайдо бўлиши тасвирланган.

Андалиб достонида тасвирланишича, Жаброил бир наъра урганида, қудуқ ичидаги жами захарли мавжудотлар йўқ бўлиб, Юсуф ёлғиз ўзи қолгач, Жаброил кўздан ғойиб бўлади ва ғойибдан бир қари чол пайдо бўлиб, Юсуфдан кимлигини сўрайди.

Татар шоири Қул Алининг «Қиссаи Юсуф» достонида қудуққа ташланган қаҳрамоннинг ҳузурида пайдо бўлган зоҳиднинг исми Яхузодир. У Юсуфнинг васфини китобда кўрган бўлиб, жуда кўп замонлар давомида унинг гўзал юзини бир кўриш орзусида тоат-ибодат билан машғул бўлган.

Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонидаги бевосита фольклор анъаналаридан ўзлашган эпик мотивлардан бири сўзлагувчи тос (жом) детали билан боғлиқ мотивдир. Бу мотивнинг генезиси қадимги одамларнинг нарса-предметлар руҳлари ҳақидаги тасаввур-тушунчаларига бориб тақалади. Достонлардаги «ҳарне дунёда шод-у ғам» бор бўлса биладиган ғаройиб «тоси мурассаъ», яъни «безатилган тос» детали синов мотиви билан боғлиқ бўлиб, бу сюжет элементининг замини халқ оғзаки бадий ижодидадир.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли **«Юсуф қиссасининг ўзбек фольклоридаги эпик талқинлари»** деб номланган.

Бадий тафаккур тараққиёти давомида халқ оғзаки ижодиёти (айниқса, қиссахон-бахшилар ва халфалар репертуарида)да ҳам Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги қадимий эпик сюжетнинг ўзига хос талқинлари юзага келган. Мазкур эпик сюжет X асрдан эътиборан оғзаки ва ёзма адабиётда кенг ишланган бўлиб, XIII-XIV асрлардан эътиборан унинг туркий тиллардаги талқинлари (Али ва Дурбек достонлари) юзага келган¹. Бу асар

¹ Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947. – С.281.

«китобий дostonларнинг бир тури бўлиб, классик адабиёт намуналарининг бахшилар томонидан қайта ишланиши натижасида юзага келган»¹.

Юсуф қиссаси халқ орасида ғоят кенг оммалашганлиги сабабли бу қадимий эпик сюжетнинг муайян мотивлари ҳамда эпизодлари асосида афсона ва ривоятлар ҳам юзага келган. Хусусан, фольклоршунос Т.Очилов томонидан Самарқанд вилоятидан ёзиб олинган бир афсонада Юсуф ва унинг қизи кўрган тушнинг йўрилиши ҳақида ҳикоя қилинади.² Ўзбек фольклорининг «Ёр-ёр», «Келин салом», «Ё рамазон», лапар, ўлан сингари жанрларига мансуб матнларда ҳам Юсуф билан Зулайхонинг муҳаббати, Юсуфнинг акалари томонидан қудуққа ташланиши, ўғлининг кўйлагини юзига суртган Яъқубнинг кўзи очилиши каби мотивлар тасвирланиши кузатилади. Жумладан, Хоразм воҳаси никоҳ тўйида айtilган «ёр-ёр»ларда бир-бирига ошиқ бўлган Юсуф билан Зулайхо муайян сабаблар (Юсуфнинг зиндонга ташланиши ва ҳ.к.)га кўра дийдорлашиш бахтидан маҳрумликлари:

Юсуф билан Зулайхо ёр эдилар, ёр-ёр,

Бир-бирини кўрмакка зор эдилар, ёр-ёр³, – тарзида тасвирланган. Бошқа бир бандда эса акаларининг ғаразгўйлиги оқибатида мусофирлик қисматини бошдан кечирган Юсуфнинг Миср шаҳрида гўзал Зулайхо билан кўришганлиги айtilади:

Юсуф билан Зулайхо кўчди бугун, ёр-ёр,

Мусофирлик шаҳрина тушди бугун, ёр-ёр⁴.

Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклоридаги «ёр-ёр» қўшиқларида Юсуф билан Зулайхонинг муҳаббати қиссасининг мазмунига оид мотивлар воқеабандлик асносида тасвирланиши ҳам кузатилади.

1927 йилда Зоминда фольклор экспедициясида бўлган атоқли олим Ҳ.Зарифов томонидан ёзиб олинган қуйидаги «Ё рамазон» қўшиғида Ёқуб пайғамбар ва унинг ўн икки нафар ўғли бўлганлиги «китоб» поэтик тимсоли орқали бадий талқин қилинган.

«Юсуф билан Зулайхо» дostonининг оғзаки варианты халқ бахшиларининг бевосита жонли ижроси жараёнида қайд этилмаган бўлса-да, унинг қисса сифатида оммалашган бир нечта намуналари мавжудлиги аниқланган. Жумладан, Хоразм вилоятида яшаб ижод қилган Ожиза халфа, Саодат халфа, Махфира халфа Собирова каби ижрочилар репертуарида «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси мавжуд бўлган. С.Рўзимбоевнинг аниқлашича, «машҳур халфа шоира Ожиза репертуарида «Юсуф ва Зулайхо» дostonига тегишли қўшиқларнинг борлиги ҳам ушбу тахминни тасдиқлайди»⁵. Дostonнинг халқ қиссаси тарзидаги намуналари бахши, халфа ҳамда қиссахонлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олганлигини «Юсуф ва

¹ Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – Б.23.

² ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1597/13.

³ Хоразм хазинаси. – Урганч, 1996. – Б.134.

⁴ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. 1-китоб. – Тошкент, 1961. – Б.309-310. Урганч туманининг Чаккашоликор қишлоғидан ёзиб олинган.

⁵ Рўзимбоев С. Халқ ижодининг ноёб дурдоналари // Ошиқнома. 6-китоб. – Урганч: Хоразм, 2013. – Б.14.

Зулайхо» достонининг 2011 йилда О.Менглибоев томонидан чоп этилган халқ варианты¹, С.Рўзимбоев томонидан Ниёзжон халфа Мусаева бисотидаги кўлёзма асосида нашрга тайёрланган намунаси², шунингдек, Олим Равшан томонидан чоп қилинган «Туркий Юсуф ва Зулайхо» қиссаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Кат қишлоғида яшаган Ниёзжон халфа Мусаева кўлида сақланиб келган «Юсуф ва Зулайхо» достони³, XIX асрнинг охирида Бухорода китобат қилинган ва 1902 йилда тошбосмада чоп этирилган «Туркий Юсуф-Зулайхо»⁴ мазкур эпик сюжетнинг халқ орасида тарқалган оғзаки вариантлари асосида пайдо бўлган.

«Юсуф ва Зулайхо» достонининг Ниёзжон халфага тегишли кўлёзма нусхасидан фарқли ўлароқ, «Туркий Юсуф-Зулайхо» қиссасида Юсуфнинг кудукка ташланиши билан боғлиқ воқеалар тасвири ўзбек халқ эртақларига хос анъанавий учлик мезони асосида мотивлаштирилган. Ўғай акалар Юсуфни сахрога олиб чиқишгач, Шамъун уни туянинг устидан кўтариб ерга уради ва ханжар билан ўлдирмоқчи бўлганида, осмонда бир куш пайдо бўлиб: «Эй Яъқубнинг фарзандлари, ҳеч ким отасига раҳм қилмай, биродарини ўлдирурми, мундоғ ишни қилманг, худодан кўрқинг!»— дегач, улар шаштидан қайтишади. Шу пайт тепаликдан: «Эй бани Яъқуб, худодин кўрқунг, биродарингизга мундоғ жафо қилманглар. Агар Юсуфни менинг устимда ўлдирур бўлсангиз, ҳаммаларингизни бир дамда ютарман», — деган нидо келади. Шундан кейин Юсуфнинг кўйлагини ечиб олиб, бир кудукка ташлаб юборадилар⁵.

Ниёзжон халфа бисотида сақланиб қолган «Юсуф ва Зулайхо» достонида Юсуф ташланган кудукнинг таърифи ва қахрамоннинг кудук тубига тушиши билан боғлиқ тафсилотлар учрамайди. «Туркий Юсуф-Зулайхо»да эса бу кудук оддий чоҳ эмас, балки «қадимул айёмда Шаддоддан қолган» ёки «Шаддод қаздирган», «ичида илон-чаён кўп» бўлган мифологик макон сифатида талқин қилинган. «Қисаси Юсуф Сиддик алайҳиссалом»да баён этилишича, Юсуф ташланган кудукни Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом қазиган бўлиб, номи «Хуббул-ахёр», яъни «Эзгулик кудуғи»дир⁶.

«Қиссаси Рабғузий» асаридаги Юсуф қиссаси талқинича, қахрамон тушган кудукнинг суви аччиқ бўлгани учун Аллоҳ амри билан бу ерга жаннат мевалари келтирилади. «Туркий Юсуф-Зулайхо»да кудук ёнида ўсувчи анор дарахти халқимизнинг сув култи, серҳосиллик ғояси ва ўлиб-

¹ Менглибоев О. Юсуф ва Зулайхо. — Урганч: Хоразм, 2011.

² «Юсуф ва Зулайхо» (достон). // Ошиқнома: Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар С.Рўзимбоев, Ҳ.Рўзметов, У.Бобожонова, Б.Абдуллаева, Н.Бобожонова, М.Жуманиёзова. — Урганч: Хоразм, 2013. — Б.20-77.

³ Келтирилган манба. — Б.128-167.

⁴ Туркий Юсуф-Зулайхо (нашрга тайёрловчи: Олим Равшан). — Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995.

⁵ Туркий Юсуф-Зулайхо (нашрга тайёрловчи: Олим Равшан). — Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995. — Б.14-15.

⁶ Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Икки томлик. I-том. — Тошкент: Ёзувчи, 1991. — Б.240.

кайта тирилувчи маъбудлар ҳақидаги эътиқодий қарашларини ўзида мужассамлаштирган мифопоэтик тимсолдир. Зеро, «анор туркий халқлар, хусусан, қадимдан ўтроқлашган этник қатламлар ижодигагина хос»¹ поэтик образдир.

Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги эпик сюжетнинг оғзаки ва ёзма адабиётдаги бадиий талқинларида қаҳрамоннинг ўғай акалари томонидан қудуққа ташланиш мотиви деярли бир хил тасвирланган бўлса-да, «Туркий Юсуф-Зулайхо» қиссасида бу сюжет элементи қадимий мифологик тасаввурлар ҳамда фольклор анъаналарини тўла сақлаб келганлиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Юсуф ва Зулайхо**» достони сюжетининг ўзбек адабиётидаги бадиий эволюцияси» деб аталган бўлиб, унинг биринчи фасли «**Юсуф қиссасининг ўзбек адабиётидаги бадиий ифодаси**» деб номланган.

Маълумки, замонавий ўзбек адабиётида Юсуф мавзусида ёзилган асарлардан бири Эминжон Қулматовнинг «Юсуф ва Зулайхо» қиссасидир². Қиссадаги муҳим жиҳатлардан бири шоирнинг бадиий матнда «ўн икки» рақамига тимсолий маъно юклаганлигидир. Агар асар муқаддимасида «ўн иккинчи тартибда жойлашмиш ушбу сура» деб «Юсуф» сурасининг «Қуръони карим»даги ўрнига ишора қилган бўлса, Юсуфнинг оиласи ва ёшлиги тасвирланган илк фаслида Аллоҳ Яъқуб пайғамбарга ўн икки ўғил ато этганлиги, Юсуф ўн икки ёшга кирганда туш кўриши, тушида ўн бир юлдуз билан ой (яъни ўн иккита осмон жисми) унга сажда қилишининг баён этилишида ўн икки рақамининг кетма-кетликда келтирилиши ушбу рақамнинг тимсолий талқини ўн икки юлдуз буржи ҳақидаги тасаввурлар асосида шаклланган мифопоэтик мазмун касб этганлигидан далолат беради.

